# Ушбу сонда:


**ДАВОЛОВЧИ КЎЗОЙНАК**

*Компютер қаршисида кўп ўтирадиган одамлар учун кўзни массаж қиладиган "Eyezone" кўзойнаги яратилди…*



3




5-6

*Валижон ШАМШИЕВ:*

**«Фақат орзу қилиб яшайман...»**



8





ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2005-yil, 25-mart, 12 (653)-son | Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

♦ **Юртимизда Наврўз шодиёналари давом этаётган айни кунларда пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан миллий маданий марказлар бадиий жамоалари ҳамда санъат усталари иштирокида катта байрам сайли бўлиб ўтди.**

♦ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлиб ўтган давра суҳбати биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватини барпо этиш мисолида «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши масаласига бағишланди. Бу тадбирни Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда ташкил этди.

♦ **Тошкентда "Ўзэкспомарказ"да "Озиқ-овқат саноати Uz-Food 2005" халқаро кўргазмаси иш бошлади. Анжуманнинг ташкилотчилари ITE Group Plc ва ITE Uzbekistan компанияларидир.**

**Халқаро кўргазма ишида Австрия, Германия, Россия, Қозоғистон, АҚШ ва Туркия каби дунёнинг 12 мамлакатидан 50дан ортиқ фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.**

♦ Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида "Нукус музейи дурдоналари" мавзуидаги кўргазма очилди. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

♦ **Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасида маданият ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Япониянинг давлат ташкилотлари ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари қатнашишди.**

SELEKTOR YIG'ILISHIDA

# Сифат — асосий масала





***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Телекоммуникация тармоқларининг ишлаш сифати бўйича 2004 йил иш якунлари"га бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг ўринбосари Алишер Хўжаев олиб борди.***

"Бирламчи, иккиламчи телекоммуникация тармоқларининг 2004 йил якунлари бўйича иш сифати ва транспорт тармоқларининг мустаҳкамлиги тўғрисида" "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиали директорининг биринчи ўринбосари Ш.Каримов маъруза қилди. Маърузачи кун тартибидаги масала хусусида сўз юритар экан, ўтган йили корхонада олиб борилган ишлар ҳақида тўхталиб, айрим жойларда сифат масаласига яхши эътибор берилмаганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази бошлиғи Ҳ.Холмуҳаммедов "Телекоммуникация тармоғида ижарачиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати тўғрисида" маъруза қилиб, у 2004 йили шаҳарлараро алоқа тармоғида сифат кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган ишлар, корхоналар томонидан йўл қўйилган камчиликларга тўхталди.

"Телевидение ва радиоэшиттириш узатгичларининг 2004 йил якунлари бўйича иш сифати тўғрисида" Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази техник директори Б.Обидовнинг маърузаси тингланди. Маърузачи корхонада ўтган йили қилинган ишлар, йўл қўйилган хатолар, шунингдек, муаммолар хусусида фикр юритди.

"Телекоммуникация тармоқларининг ўтган йилги иш якунлари ва сифати ҳақида" маъруза қилган "Ўзбектелеком" АК Бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов компания бўйича жойларда амалга оширилган ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўзлади.

Давлат алоқа инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Умархўжаев "Ўзбектелеком" АК корхоналарининг ўтган йилги текширув натижалари ҳақида маълумот берди. У ўтган йили компаниянинг аксарият корхоналарида қатор камчиликлар юзага келгани, инспекциянинг кўрсатмаларига айрим корхоналар панжа орасидан қараётгани, натижада ўша жойларда ишлар олға силжимаётганлиги, шунинг учун ҳам сифат масаласига жиддий эътибор бериш кераклигини айтиб ўтди.

Танқидий руҳда ўтган селектор йиғилишида нуқсон ва камчиликларни ҳисобга олиб, жорий йилда муаммоларни бартараф этиш, янада фаолроқ ишлаш лозимлиги таъкидланди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Иззат АҲМЕДОВ***

# КЎНГИЛ ЯЙРАДИ, ДИЛ ЯЙРАДИ...

***Ўлкамизда Наврўзи олам. Ана шундай хушнуд дамларда ҳамкасб дўстлар гурунгига, устозу шогирдларнинг дилдан суҳбатларига не етсин?! Зотан Наврўз — яшариш ва янгиланиш, уйғониш ва гўзаллик фасли бўлиш билан бирга энг яхши фараҳбахш палла ҳамдир.***

**Бухоро вилояти** алоқа ходимлари ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган байрам тадбирида "Бухоро Телеком" филиали директори Ш.Худойбердиев, Малайзия мултимедиа университети профессори Хинтэйк Чао, меҳнат фахрийларидан П.Ҳайдаров, Р.Бобоева, Х.Жумаев, И.Савинов, Ш.Жумаев ва бошқалар сўзга чиқишиб, эзгу тилакларини изҳор этдилар. Дилрабо куй ва қўшиқлар байрам руҳига ҳамоҳанг тарзда дилларга чексиз қувонч бағишлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Бухоро Телеком" филиали маъмурияти томонидан Наврўз байрами арафасида корхонада узоқ йиллар ишлаб, ҳозирги пайтда нафақада бўлган фахрийларга, шунингдек, боқувчисини йўқотганлар ва ногирон болаларга алоҳида мурувват кўрсатилди. Жумладан, 223 нафар пенсионернинг ҳар бирига 20 минг сўмдан, ота-онаси вафот этган 30 нафар болаларга ҳамда 22 нафар ногирон болаларга 10 минг сўмдан пул берилди.

Маълумки, яқинда "Ўзбектелеком" АК таркибидаги корхона ва филиаллар телекоммуникация иншоотларида меҳнат муҳофазаси бўйича хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, бахтсиз ҳодисалардан огоҳлантириш ва олдини олиш юзасидан 2004 йилда ўтказилган республика кўрик-танлови натижалари кўриб чиқилиб, унга мувофиқ филиаллар ўртасида "Бухоро Телеком" филиали фахрли 2-ўринга, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари ўртасида Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 1-ўринга, цех ва участкалар ўртасида эса Бухоро шаҳридаги 2-АТС алоқачилари 2-ўринга муносиб деб топилган эди. Байрам тадбирида ана шу жамоаларга "Ўзбектелеком" АКнинг дипломлари ва пул мукофотлари топширилди.

***Асқар ИСТАМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***


uzpak

Бизнинг Интернет ҳамкоримиз


## ЯНГИ РАҲБАР САЙЛАНДИ

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибидаги масалалар қаторида ташкилий масала ҳам кўрилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бош директори Р.Зикиров ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бош директори лавозимига "Матбуот тарқатувчи" АК Бош директори Рустам Саидович ҚОСИМОВ бир овоздан сайланди.

## БИЗ КУТГАН "XABAR"

*Мен "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг станциялараро алоқа боғламасида ўн йилдан буён хизмат қилиб келаман. "Xabar" газетасининг ҳар бир сонини зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Айниқса, газетанинг 2005 йил 4, 11, 18 март сонларидаги ҳамкасбларимиз ҳақидаги мақолаларни ўқиб, рангли суратлар, табрикларни кўриб, қувончим ичимга сиғмай, қўлимга қоғоз ва қалам олишга жазм қилдим.*

*Тўғриси, ҳамкасбларимиз билан "Xabar"нинг рангли чиқишини анчадан бери кутаётган эдик. Таҳририят ходимлари айни кўнглимиздагини амалга оширишибди.*

*Бир мухлис сифатида "Касбдошларимиз", "Сиз кутган учрашув", "Алоқа оламида", "Орамиздаги одамлар", "Спорт", "Хандалар", "Буюклар муҳаббати" рукнлари остида берилаётган материалларни ўқиш менга завқ бағишлайди.*

*Газетанинг келгуси сонларида республикамизда фойдаланилаётган энг замонавий алоқа техникалари ҳақида маълумотлар, ҳуқуқшунос маслаҳати, мунажжимлар башорати, ҳар хил қизиқарли сканворд, кроссвордлар мунтазам бериб борилса яхши бўлар эди.*

*Севимли газетамиз — "Xabar" таҳририяти ходимларидан долзарб мавзудаги мақолалар, мазмунли чиқишлар кутиб қоламиз.*

***Абдуямин САМАТОВ,***
***линия-кабел иншоотлари муҳандиси***

***Аёл муҳаббатисиз, нафосати ва саранжому саришталигисиз турмушимизнинг бирон бир жабҳасини бус-бутун тасаввур этиш қийин. Катта-кичик идора, муассасалардан тортиб обрўли корхона ва ташкилотларгача — аёл куюнчаклиги ва покиза нафаси сезилиб турадиган барча ерда соғлом маънавий муҳит, осойишталик ҳукмрон.***

# АЁЛ БОР ЖОЙДА ...

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ** Бухоро филиали, Когон почта алоқа тармоғининг иши билан танишган ҳар қандай киши ҳам ана шундай ҳис-туйғулар оғушида қолиши табиий. Почтада ишлаш орзусини ёшлигиданоқ кўнглига туккан Наталя Белинцеванинг соҳада фаолият бошлаганига ҳам 30 йил бўлибди. Вазифасига сидқидилдан ёндашадиган бу аёл суғурта бўлимининг бошлиғи сифатида ўзига ва ҳамкасбларига нисбатан талабчан, бир сўзли, шу билан бирга, ғамхўр, дилкаш ва меҳрибон ҳам. Лариса Сапунованинг почта алоқа тармоғида операторлик қилаётганига ҳам ўттиз йил бўлиб қолди. У билан ёнма-ён иш юритаётган бошқа бир қатор операторлар — Галина Золотарёва, Нусратой Раззоқова, шунингдек, ўз касбига меҳри баланд сараловчи Нафиса Гадоеваларнинг тиниб-тинчимасликлари туфайли режа-топшириқларни бажариш жараёнида бирор-бир узилишга ёки камчиликка шу пайтгача йўл қўйилгани йўқ.

Ушбу почта алоқа тармоғида ҳар кеча-кундузда кўплаб хат-хабар алмашинувлари амалга оширилар экан. Ҳеч шубҳасиз, жойлардаги хат ташувчи аёлларнинг ҳам бу борада саъй-ҳаракатлари беқиёсдир. Ўзи танлаган касб-корига чиндан-да чексиз садоқати бор бўлган инсонларгина ютуқларга эришиши, эл-юрт ҳурматини қозониши, обрў орттириши аниқ. Зиё Қобилов номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги Шароф Рашидов алоқа бўлими бошлиғи Сайёра Шарипова ана шундай аёллардан биридир. Иш фаолиятини оддий хат ташувчиликдан бошлаган опахонни хонадонларда, одамлар орасида тез-тез учратасиз. Бир энликкина мактуб, пенсия ёки нафақа пуллари билан юртдошларига қувонч, самимият ва ҳаяжон улашаётганидан Сайёра опанинг ўзи ҳам чексиз қониқиш ҳис қилади, когонликлар меҳри тафтини туйгандек бўлади.

Ўз ишининг устаси бўлган хат ташувчи аёллар, турган гапки, почта алоқа тармоғида талайгина. Когон шаҳридаги 3-алоқа бўлими хат ташувчиси Азима Сатторова, 2-алоқа бўлими хат ташувчиси Шоҳида Қаҳрамонова, Баҳоуддин Нақшбанд алоқа бўлими хат ташувчиси Орзигул Қулиевалар шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда Когон шаҳри бўйича жами 5900 нафар, туман бўйича эса 6050 нафарга яқин пенсионерга хизмат кўрсатилаётган экан, бунда биз юқорида номларини тилга олиб ўтган аёлларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Пул жўнатмаларини қабул қилиш ва тўловларни амалга оширишда хат-хабарларни бевосита жойларга етказишда Елена Анорметова, Рита Шодиева вақт билан ҳисоблашмай фаолият олиб боришмоқда. Пенсия ва нафақаларни тарқатиш, уларни тўғри расмийлаштиришда почта алоқа тармоғи операторлари — Ҳилола Дўстова, Алия Нигматуллина, уларга бош-қош бўлиб келаётган йўриқчи Интизор Тошева ва бошқа алоқа бўлимлари бошлиқлари, хат ташувчилари ҳам тиришқоқлик, тезкорлик ҳамда юксак маҳорат билан иш олиб боришмоқда. Ҳисоботларни тайёрлаш ишида масъул бўлган малакали иқтисодчи Феруза Ҳусанова, ҳисобчилардан Элвира Шодиева ва бошқалар бугунги кунда компютерда ишлаш сир-асрорларини мукаммал эгаллаб олишган. Негаки, кундалик топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришнинг бош омили ҳам шудир. Ҳозирги пайтда бу ерда бир йўла тўртта компютерда ҳисоботларни тузиш, пенсия пулларини расмийлаштириш сингари юмушлар адо этилмоқда.

Туман бўйича тўққизта алоқа бўлими бўлиб, бир қатор аёллар, жумладан, Дилфуза Баширова “Уба Чўли” алоқа бўлимига, Лола Иброҳимова “Сиёз-поён” алоқа бўлимига, Самия Ражабова эса Баҳоуддин Нақшбанд алоқа бўлимига моҳирлик билан раҳбарлик қилишяпти. Ушбу алоқа бўлимларида аҳолига ва корхона, ташкилотларга сифатли почта хизмати кўрсатишда яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Бу эса почта алоқа тармоғи бўйича белгиланган ишлаб чиқариш режа-топшириқларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаяпти. Чунончи, асосий хизмат турлари — хат-хабарларни жўнатиш бўйича ўтган 2004 йилда жами 7 миллион 530 минг сўмлик, пул жўнатмаларини қабул қилиш бўйича эса 5 миллион 680 минг сўмлик иш амалга оширилди. Жўнатма ва бандеролларни қабул қилиб олиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилиб, 510400 сўмлик иш бажарилди.

Алоқа бўлимининг бошлиғи Ойшод Ҳайдарова айни пайтда бошланғич касаба уюшмаси қўмитасининг раиси ҳамдир. Унинг жонбозлиги ҳамда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, юқори касаба уюшма ташкилотлари тавсиялари асосида олиб борилаётганлиги боис ходимларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишлар кутилган натижаларни беряпти. Почта алоқа тармоғи ходимлари ҳамда жойлардаги алоқа бўлимлари ишчи-хизматчилари учун ҳам унумли меҳнат ва мазмунли дам олиш шароитлари яратилган. Барча жойда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Ёшлар — келажагимиз. Буни яхши тушунган почта алоқа тармоғи маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси йигит-қизларнинг соҳа ўқув юртларида корхона ҳисобидан таълим олишларини таъминлаяпти. Ҳозирги пайтда почта алоқа тармоғи ходимларидан Лола Иброҳимова, Интизор Тошева ва Нафиса Гадоевалар Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида сиртдан таълим олишяпти.

Аёл бўлган жойда жонбозлигу мулойимлик, гўзаллигу нафосат бор. Боқий дунёни эса айнан шундай фазилатлар асрайди, деганлари ҳам шу бўлса керак, аслида.

***Асқар ИСТАМОВ***
***Бухоро вилояти***

# Ҳашар – элга ярашар

***Бутун оламни кўм-кўк либосга буркаб баҳор келди. Қиш бўйи ором олган табиат қайта жонланди. Далаларда, боғларда иш қизий бошлади. Шундай гўзал дамларда, Наврўз байрами арафасида, умумхалқ хайрия ҳашари ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.***

**«Қашқадарё Телеком» филиалида** ҳам байрам олдидан умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда ўтди. «Алоқабанк»нинг вилоят филиали, «ЎзИ-Қарши» филиалининг шаҳарлараро сўзлашув маскани, «Интернет-кафе» ҳамда «Қашқадарё Телеком» филиали жойлашган бинода 19 март куни ҳашар ўтказилди. Шу куни барча ходимлар, муҳандису техниклар бино атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда фаол қатнашдилар. Бино атрофи обод масканга айланди. Ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи эса хайрия жамғармасига ўтказилди.

***Баҳром МУРОДОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

KASBDOSHLARIMIZ

# Хизмати барчага манзур



**Любов Владимировна Горбунова** билан ҳамкасбмиз. Уни 1977 йили туман почта алоқа тармоғида операторга шогирд бўлиб иш бошлаганидан буён биламан.

У мактабни тугатганидан сўнг Бошқирдистонда пазандалик бўйича касб-ҳунар билим юртида ўқиди. Кейинчалик алоқа касбига меҳри тушиб шу соҳада ишлай бошлади.

Ёш қизнинг тиришқоқлиги, касб сирларини ўрганиш учун ҳаракатлари зое кетмади. Люба касбидан камол топди. Бир неча бор мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди. Доимо ўзига топширилган вазифаларга виждонан ёндашиб, аҳолининг почта алоқаси хизматига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб келди. Ҳозирда у телефон, электр энергия, табиий газ ва бошқа хизмат тўловларини йиғишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Любов Владимировна билан ёнма-ён хизмат қилаётган қизлар — Сапаргул Сейдуллаева, Насиба Медетбоевалар у кишини ўзларига устоз деб билишади.

Меҳнат жамоасида ўзига яраша обрўга эга қаҳрамонимиз биринчи устози — бош оператор Лариса Балсовани тез-тез эслайди. Йўл қўйган камчиликлар, хатолардан тўғри хулоса чиқаришни айнан шу устозидан ўрганган.

Л.Горбунова доимо ўз билимини ошириб борди. Нукус индустриал техникумини почта алоқаси мутахассислиги бўйича сиртдан имтиёзли диплом билан тугатди.

У ҳалол меҳнати, жамоа ишларида фаол иштироки туфайли ҳурмат топди, оилали, фарзандли бўлди. Ҳозирда икки невараси ҳам бор.

— Ҳамкасбларим билан фахрланаман, — дейди Любов Владимировна. — Атрофингда меҳнатсевар, шижоатли касбдошларинг бўлса, бунга нима етсин.

Ҳақ гап. Етмишдан ортиқ ходим хўжайлиликларнинг алоқа хизматига бўлган талабларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Улар қаторида яқинда эллигинчи баҳорини қаршилаган Любов Владимировна ҳам бор. Ана шу муносабат билан унга “Эллик ёшингиз муборак бўлсин, азиз касбдошим”, дея эзгу тилаклар билдираман.

***Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,***
***Хўжайли почта алоқаси тармоғи касаба уюшмаси қўмитаси раиси***

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# Қонунни четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

***Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни уяли алоқа операторлари, Интернет провайдерлари, телерадиодастурларни тарқатувчи студиялар сонининг ортишида ва республика ҳудуди бўйлаб ёйилишида ҳамда соҳадаги техник воситаларнинг бир-бири билан ўзаро мосликда ишлашини таъминлаш, сифатли хизмат кўрсатиш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан тегишли қонунларнинг чиқарилиши ва қарорларнинг қабул қилиниши замирида кўришимиз мумкин.***

**Бу каби** хизмат турларининг кўпайиши радиочастота спектридан унумли ва мақсадли фойдаланишни талаб этади. Давлатимизнинг радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланишни тартибга солувчи ваколатли органларидан бири бу – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидир.

Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолият турлари лицензияланади, фойдаланиладиган техник воситаларига мувофиқлик сертификати берилади ва тегишли рухсатномалар олинади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари томонидан лицензия келишувида кўрсатилган талаб ва шартларнинг бажарилиши устидан ҳамда давлат қонунларига, стандартлари ва меъёрларига мувофиқ ишлашини таъминлаш, шунингдек, юзага келган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар бериш, уларни назорат қилиш Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан биридир.

Радиоэлектрон воситалар (РЭВ) ва юқори частотали қурилмалардан (ЮЧҚ) фойдаланиш учун рухсатнома берувчи ваколатли орган ҳисобланган Электромагнит мослашув маркази (ЭМММ) ҳамда Давлат алоқа инспекцияси ходимлари ҳамкорлигида 2004 йил давомида 255та рейд ўтказилиб, РЭВ ва ЮЧҚдан ноқонуний фойдаланишнинг 412та ҳолати аниқланди.

Давлат алоқа инспекцияси ходимлари РЭВдан ноқонуний фойдаланаётган шахслар билан тегишли тушунтириш ишларини ўтказгандан сўнг 171та РЭВ эгалари ЭМММдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олишди. 153та РЭВнинг эгалари эса расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларни Электромагнит мослашув марказига топширдилар.

***

2004 йил давомида ДАИ томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этилган текширишлар режа-жадвалларига ва режадан ташқари берилган рухсатга асосан жами 205та хўжалик юритувчи субъектларда лицензия шартларининг бажарилиши, кўрсатилаётган алоқа хизматлари параметрлари ва сифат кўрсаткичларининг амалдаги меъёрларга мувофиқлиги бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказилди. Натижада 192та корхонада камчиликлар аниқланиб, тегишли кўрсатмалар тақдим этилди ва уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Ўтказилган текшириш ва ҳамкорлик рейдлари натижасида Давлат алоқа инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурийй жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси»нинг 151, 152, 153 ҳамда 154-моддаларига асосан 2004 йили ўз ишига лоқайд ва совуққонлик билан муносабатда бўлиб, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик оқибатида қонун бузилишларига йўл қўйган жами 190 нафар мансабдор ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилиб, улардан маҳаллий бюджет ҳисобига 3021120 сўм миқдорида жарима ундириб олинди.

Юқорида таъкидланган қонун ҳужжатларига асосан «Ўзбектелеком» АК ва унга тегишли корхоналардаги 51 нафар мансабдор шахс 404770 сўм, «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва унга тегишли корхоналардаги 30 нафар мансабдор шахс 199130 сўм, рухсатсиз радиоузаткич шахобчасини ўрнатган ҳамда алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузган 12 нафар шахс 221970 сўм, шунингдек, ноқонуний радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланган 97 нафар жисмоний ва мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 2195250 сўм миқдоридаги жарималар давлат бюджетига ундирилди.

Қонун ижроси билан кучлидир. Қонунга риоя қилиб, рисоладагидек хизмат кўрсатиш ва масъулиятни унутмаслик барчамизга хос хислат бўлмоғи давр ва тараққиёт талабидир. Зеро, масъулиятни, қонунларда белгиланган талабларни унутишга ва уларни четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

***Ш.УСМОНОВ,***
***ДАИ радиоалоқа ва телерадиодастурларни тарқатиш бўлими бошлиғи в.б.***
***Ш.КАРИМЖОНОВ,***
***ДАИ маълумотлар хавфсизлиги ва махсус ишлар бўлими бошлиғи в.б.***

TATUning 50 YILLIGI OLDIDAN

# Радиотехника, радиоалоқа ва телевидение факултети

***Тошкент ахборот технологиялари университетининг Радиотехника, радиоалоқа ва телевидение (РРТ) факултети 1957/58 ўқув йилида ташкил этилган. У вақтда факултет Радиоалоқа ва радиоэшиттириш номи билан юритилиб, радиоалоқа ва радиоэшиттириш мутахассислиги бўйича муҳандислар тайёрлаган. Биринчи ўқув йили факултетга юз нафар талаба қабул қилинган.***

**1957 йилдан 1961 йилгача** факултет декани вазифасини вақтинча "Гуманитар фанлар" кафедраси мудири, доцент Х.Турсунов ҳамда катта ўқитувчи Р.Мансуровлар бажарди. Кейинчалик катта ўқитувчилар М.Ваулин (1961—1980 йй.), доцентлар Ш.Тожибоев (1980—1985 йй.), О.Абдуазизов (1986—2000 йй.), М.Зупаров (2000—2001 йй.) деканлик қилдилар. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб факултет декани вазифасида доцент Р.Ибраҳимов ишлаб келмоқда.

Факултетни дастлаб, 1962 йили, 67 нафар талаба тамомлади. РРТ факултети 1962—1999 йиллар давомида 3904 муҳандис, 1999—2004 йилларда 663 бакалавр ва 2001—2004 йиллар давомида 172 магистр тайёрлади. 2004-2005 ўқув йилида факултетда бакалавриатура йўналишлари бўйича жами 773 (бундан 173 талаба ўқишнинг сиртқи шаклида, 560 талаба кундузги шаклида), магистратурада эса 31 талаба таълим олмоқда. РРТ факултетида ҳозирда телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш ҳамда радиотехника йўналишлари бўйича бакалаврлар, мобил алоқа тизимлари ҳамда радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Айни дамда факултетда "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", "Радиотехника ва радиоалоқа", "Антенна-фидер қурилмалари", "Алоқа қурилмалари электр таъминоти", "Радиоалоқа қурилмалари", "Телевидение ва радиоэшиттириш" ҳамда "Радиотехник тизимлар" кафедралари мавжуд. Уларда икки фан доктори, бир профессор, 16 фан номзоди ва битта доцент ишламоқда. Улардан бири ЎзФА академиги ва уч нафари Халқаро алоқа академияси академигидир.

Факултетнинг ўқув лабораториялари XX асрнинг тўқсонинчи йиллари иккинчи ярмигача замон талабига жавоб берадиган ўқув лаборатория макетлари, замонавий радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари, радиоэлектрон ўлчов асбоблари билан таъминланган эди. Алоқа техникасининг кейинги 10–15 йил ичида тезкорлик билан ривожланганлиги ва замонавий алоқа техникаси харид нархлари жуда юқорилиги сабабли ҳозирги ўқув-лабораториялари жиҳозлари фақат алоқа асослари бўйича билимлар беришни таъминлайди. Бу эса соҳа корхоналарида мутахассислик кафедраларининг филиалларини ташкил этиш ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ушбу корхоналарда ўтказишни тақозо этмоқда.

РРТ факултети ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маърифат ва маънавият ишларини юқори даражада ташкил этиши ва яхши натижаларга эришиши билан университет факултетлари орасида доим олдинги ўринларда бўлган.

Факултетда ўтган даврда давлат бюджети ва хўжалик шартномаси асосида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди. Улар ичида:



*СУРАТДА: РРТ факултетини 1976 йили тамомлаган, ҳозирда физика-математика фанлари доктори, профессор Хайрулла ОРИПОВ илмий лабораторияда.*

- Телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан махсус телевизион трубкаларнинг сезгирлиги спектрал анализи; саноатда қўлланиладиган махсус телевизион тизимларни яратиш; заряд орқали алоқа ярим ўтказгич асбоблари (ПЗС) асосида электрон микроскоп ва рангли телевизион камеранинг яратилиши; космик кемаларни бир-бирига яқинлаштириш ва қўшиш бўйича автоматик телевизион қурилмасини яратиш устида олиб борилган ишлар;

- радиотехника ва радиоалоқа кафедраси томонидан мураккаб радиосигналлардан радиотехник қурилмаларда фойдаланиш; сунъий йўлдош орқали радиоэшиттириш ва телевидение дастурларини тақсимлаш тармоғини тадқиқ этиш; кенг полосали алоқа тармоғи ва ундан фойдаланиш имкониятлари; ахборотларни ясси экранларда акс эттириш қурилмасини яратиш; кўп каналли магистрал алоқа кабеллари орқали сигналларни рақамли шаклда узатиш қурилмаларини яратиб, оптималлаштириш; кучайтириш қурилмаларида комплементар транзисторлардан фойдаланиш мавзусида олиб борилган ишлар;

- радиоалоқа қурилмалари кафедраси томонидан радиоэлектрон элементлар ва қурилмалар ҳолатини, ишга яроқлилигини баҳолаш; дискрет сигналларнинг халақитбардошлигини тадқиқ этиш; интеграл схемалар ва интеграл йиғмаларнинг ишга яроқлилигини баҳолаш; радиоэлектрон қурилмаларни математик моделлаш; акусто-оптик филтрлардан радиотехник қурилмаларда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар;

- радиотехник тизимлар кафедрасида Орол денгизи сув ҳавзасининг ҳолати ҳақида ахборотларни тўплаш ва уни алоқа тизими ёрдамида сунъий йўлдош орқали қайта ишлаш ва бошқариш, рақамли радиоэшиттириш ва телевизион сигналларни сунъий йўлдош орқали узатиш ва тақсимлашни тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар;

- антенна-фидер қурилмалари кафедрасида турли узатиш ва қабул қилиш антенналарини яратиш ва таҳлил қилиш; радиотўлқинларнинг шаҳар ҳудудида тарқалишини ўлчаш ва тавсиялар бериш; электромагнит ҳамжиҳатлик ва аҳолини электромагнит нурланишдан ҳимоя қилиш тадбирлари ва сатҳини тавсия этиш; Собиқ Иттифоқ ФА Радиотехника институти билан ҳамкорликда катта қувватли тўрсимон антенналарнинг асосий характеристикаларини аниқлаш;

- «Вектор» ИИЧБ билан ҳамкорликда халақитбардош тўрли антенна қуриш; телевизион станциялар узатиш антенналарини модернизациялаш ва дециметрли диапазонда ишлаш учун панелсимон антенна яратиш йўналишидаги ишлар;

- онкологик касалликларни даволаш учун тана тўқималарини гипертермик нурланиш ёрдамида қизитиш лаборатория қурилмасини яратиш ва тадқиқотлар олиб бориш учун даволаш ташкилотларига тавсия этиш;

- алоқа корхоналари электр таъминоти кафедрасида алоқа корхоналаридаги иш жойларида шовқинларни ўлчаш ва ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи сатҳи ҳақида тавсиялар бериш ва уни давлат стандартига киритиш мавзуларида хўжалик шартномаси асосида бажарилган ишлар.

1995—2000 йиллар давомида асосан РРТ факултети кафедралари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирантлари ва иқтидорли талабалари томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижалари «Радиотехника қурилмалари ва тизимлари» номи билан 5-қисмда чоп этилди. Бу тўпламга мақолалар танлаш ва уларни нашрга тайёрлаш ишларини факултет декани ва кафедра мудирлари бажардилар.

Бундан ташқари, факултет профессор-ўқитувчилари, аспирантлари ва иқтидорли талабалари илмий тадқиқотлар натижалари билан Минск, Олмаота, Одесса ва Новосибирск шаҳарларида Ҳудудий алоқа ҳамдўстлиги, алоқа институтлари ҳамда университетлари томонидан ташкил этилган «Алоқа техникаси ва технологияси» мавзусидаги I — IV халқаро конференцияларда қатнашдилар. Маъруза матнлари конференциялар тўпламларига киритилган ва чоп этилган. Шу билан бирга, факултет кафедралари 1999 йили Патрас университети, Антверпен техника мактаби ва ТЭАИ билан биргаликда TEMPYS/TACIS дастури доирасида «Actual problems of telecom» (Телекоммуникациянинг долзарб муаммолари) мавзуида икки қисмли инглиз тилидаги институт илмий ишлари тўпламини нашрдан чиқаришда иштирок этди. Бу тўпламларга фақат институт профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирантлари мақолалари киритилган.

Факултет талабалари 3-босқичдан бошлаб тегишли кафедраларга бириктириладилар ва ушбу кафедра профессор-ўқитувчилари билан бирга талабалик илмий иши ва битирув малакавий иши мавзуси бўйича изланишлар олиб борадилар, бунинг натижалари илмий-техник анжуманларда муҳокама қилинади. Магистратура талабаларига бириктирилган диссертация мавзулари ҳам соҳа келажаги билан боғлиқ муаммоларга бағишланган бўлиб, бу ишларга факултетнинг катта илмий-услубий тажрибага эга профессор ва доцентлари раҳбарлик қиладилар.

Факултет талабалари турли танлов ва фанлар бўйича олимпиадаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Магистрант Д.Расулов 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлди.

Радиотехника, радиоалоқа ва телевидение факултетини турли йилларда тугаллаганлардан ўнга яқини фан доктори, юзга яқини фан номзоди илмий даражасини олди ва улар Ўзбекистон, МДҲ ва чет элларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Фан доктори, ҳозирда Тошкент автомобил йўллари институти ректори Ҳ.Нигматов, Стерлитамак (Бошқирдистон) давлат педагогика институти илмий ишлар проректори А.Галиев, Радио илмий текшириш институти бўлим бошлиғи (Россия) Ю.Сагдуллаев, Санкт-Петербург давлат телекоммуникация университети профессори В.Филик, Астрахан давлат техника университети кафедра мудири В.Дмитриев, Поволже телекоммуникация ва информатика давлат академияси профессори А.Корякин, Тошкент ахборот технологиялари университети илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори Х.Ориповларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, радиотехника, радиоалоқа ва телевидение факултети профессор-ўқитувчилари талабаларга чуқур билим бериш ва илмий изланишлар олиб боришда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни фаол бажармоқдалар.

***Омон АБДУАЗИЗОВ,***
***ТАТУ доценти, техника фанлари номзоди***

ALOQA OLAMIDA

## ДАВОЛОВЧИ КЎЗОЙНАК



**Компютер** қаршисида кўп ўтирадиган одамлар учун кўзни массаж қиладиган "Eyezone" кўзойнаги яратилди.

Кўзойнакни ясашда анъанавий Хитой тиббиёти ва игна билан даволаш усуллари асос қилиб олинган. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашларича, бу асбоб кўз атрофида қон айланишини яхшилайди, кўз ости салқигани, шишлар ва ҳар хил қора доғларга барҳам беради.

Бир сўз билан айтганда, "Eyezone" қўлланмасида ёзилганидек, у кўзларингизни янада равшанлаштиради.

Кўзойнак АА тоифасидаги икки батареядан қувват олади. Нархи 30 АҚШ долларига тенг.

## ZOOMINFO.COM ОДАМЛАРНИ ҚИДИРАДИ

**Интернетда** одатдагидек ахборот эмас, балки фақат одамлар ҳақида маълумот қидирадиган биринчи автоматик қидирув хизмати ишга туширилди. Zoominfo.com тармоқдан имкон қадар муайян шахсларга тегишли маълумотларнигина қидиради.

Тизим феъллар ва исмлар бўйича инсонлар номини ажратиб оладиган алгоритм асосида ишлайди, шунингдек, матн мазмунидан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам бу муайян шахс ҳақидаги маълумот эканлигини аниқлайди (масалан, буюк шоиримиз Алишер Навоий тўғрисидаги маълумотлар ва шу номдаги вилоят ёки метро бекати ўртасидаги тафовут-ўхшашликлардаги каби).

New Scientist таҳлилчилари янги технология камчиликлардан холи эмаслигини аниқлаганлар. Масалан, Zoominfoда АҚШ президенти Жорж Буш Буюк Британия Бош вазири, шунингдек, Флорида ва Массачусетс штатлари губернатори деб кўрсатилган ва ҳоказо.

Zoominfo вакиллари хатоликларга технологияга оид камчиликлар қаторида бу вазифанинг ўзи машаққатли иш эканлигини сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Бунинг устига, шахсий маълумотлар дахлсизлиги тарафдорлари кишилар тўғрисидаги маълумотларни уларнинг рўхсатисиз йиғаётгани туфайли мазкур технологияни' танқид остига олишган. Бироқ, Zoominfo тадқиқотлар бўлинмаси раҳбарининг сўзларига қараганда, янги қидирув тизими фақат таълим ва ишга жойлашишга дахлдор маълумотларни йиғаркан.

***Интернет материаллари асосида тайёрланди***

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

**В конце прошлого года группа специалистов из разных стран прошла обучение в Индии по программе ITEC (Информационные технологии в сфере почтовой связи). В группе были и представители Узбекистана – инженер отдела почтовой связи ГИС Лаззат Ускенбаева и инженер филиала "Тошкент почтамти" ОАО "Узбекистон почтаси" Сарвар Незамов, которые по представлению УзАСИ получили гранты правительства Индии на эту поездку.**

**Сегодня Л.Ускенбаева делится своими впечатлениями о состоянии почтовой службы Индии, о том, как проходило обучение в этой стране.**

# У ПОЧТОВИКОВ ИНДИИ



**На сегодняшний день** Индия — один из лидеров по внедрению передовых информационных технологий в сферу почтовой связи.

"India Post" является государственным предприятием, структура которого состоит из 22 областных филиалов, 37 региональных центров, включая 840 почтамтов, 25000 районных узлов связи, 500 сортировочных центров, 136000 участков доставки, 560000 почтовых ящиков. Количество почтовых отделений связи — 155681, из них 124908 – сельские отделения. Почтовый трафик в год составляет 8871 млн. обыкновенных отправлений, 222 млн. заказных отправлений, 105 млн. денежных переводов. В сфере почтовой связи работают 3000 руководителей, 230000 операторов и 365000 почтальонов.

В состав почты Индии входят 6 учебных центров, в них ежегодно обучается около сорока тысяч работников почты. Наше обучение проходило в международном Центре почтовой подготовки в городе Майсур по сертифицированному Всемирным почтовым Союзом учебному курсу "Информационные технологии в сфере почтовой связи".

Кроме посланцев Узбекистана, в работе семинара принимали участие представители России, Таиланда, Польши, Индонезии, Украины, Замбии, Сейшельских островов, Танзании, Гайаны, Мьянмара, Восточного Тимора и Бангладеша.

Представители каждой страны презентовали на семинаре деятельность своей почтовой связи (организацию, структуру почтового ведомства, оказываемые услуги и состояние автоматизации). Наибольшее впечатление на участников произвели доклады о внедрении электронной коммерции в почтовых ведомствах Индонезии и Таиланда.

Во время обучения мы посетили ряд автоматизированных почтовых отделений, региональный почтовый центр в городе Мангалор, а также центр сортировки почты.

В почтовых центрах используются следующие технологии:

- трафик EMS (Express Mail Servise), основанный через Интернет;
- жалобы, основанные через Интернет;
- механизм счетов, основанный через Интернет;
- электронная почта;
- партнерство с финансовыми услугами Western Union.

Внедрение данных технологий на пердприятиях почты обеспечивает качественное предоставление услуг почтовой связи, оперативный контроль за прохождением почтовых отправлений, своевременность рассмотрения обращений клиентов, оперативность взаиморасчетов между предприятиями, быстроту прохождения сообщений, предоставление дополнительных финансовых услуг, повышение культуры обслуживания.

Стратегические планы развития Индийской почты по линии информационных технологий связаны с внедрением электронной марки и расширением предоставления видов банковских услуг (работа с пластиковыми карточками и т.п.)

Во время обучения особое внимание уделялось программному обеспечению, которое используется в отрасли почты Индии. Рассмотрены технология построения корпоративной сети передачи данных, программный комплекс автоматизированного места предоставления почтовых услуг в отделениях связи, программное обеспечение участка доставки, сортировки, предоставления услуг EMS, автоматизированная система "Электронный перевод" и другие. По всем программам были проведены практические занятия.

Отдельным блоком в учебной программе был цикл лекций и практических занятий по технологии, разработке и ведению проектов. Полученные теоретические знания закреплялись на практике и проверялись тестированием.

В процесс обучения были вовлечены преподаватели компаний Microsoft, Red Hat, HP, Oracle, BSNL. Доклады были посвящены современным направлениям в информационных технологиях и деятельности компаний.

По результатам составленных тестов и защиты индивидуальных проектов автоматизации нами получены соответствующие сертификаты.

Учеба позволила нам повысить уровень своих знаний в деле использования перспективных информационных технологий, управления проектами автоматизации в почтовой отрасли.

Думается, что подобный обмен опытом будет способствовать дальнейшему совершенствованию и развитию почтовой службы Узбекистана.

*Лаззат УСКЕНБАЕВА, инженер отдела почтовой связи ГИС*

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ



## *Азия:* Растет спрос на услуги 3G



**В Азии** (без учета Японии) в 2005 г. спрос на услуги мобильной связи третьего поколения (3G) вырастет в 1,5 раза. При этом число пользователей 3G достигнет 17 млн., сообщает РБК.

Большинство операторов уже сейчас предоставляют или начнут предоставлять в течение ближайших месяцев услуги 3G. Услуги 3G начали предоставляться в Австралии и Тайване в 2003 г., в Гонконге и Сингапуре — в 2004 г. Увеличение доступности телефонов 3G, позволяющих выходить в интернет по скоростным каналам и поддерживающих видеоконференции, будет способствовать росту числа абонентов, которых компании привлекают новыми услугами.

По оценкам IDC, доходы от сервисов мобильной связи в Азиатско-Тихоокеанском регионе без учета Японии вырастут в 2005 г. в среднем на 16% — до $81,2 млрд., при этом лидерами роста станут Индия (рост на 64%), Южная Корея (27%) и Филиппины (25%).

## *Бразилия:* Мобильной связью пользуются более 65 млн. человек



**В Бразилии** 65 миллионов человек являются пользователями мобильной связи, сообщило Национальное агентство по телекоммуникациям (АНАТЕЛ).

Самым популярным подарком к новогодним праздникам и Рождеству были сотовые телефоны, цены на которые были резко снижены. Накануне праздников компании мобильной связи наперебой предлагали внушительные скидки на ходовые модели телефонов.

Самой распространенной мобильной связью в Бразилии является система TDMA, которая контролирует свыше 35% всего рынка мобильной связи. Во многом в рекламной кампании преуспели компании, предлагающие телефоны евростандарта GSM-900/1800.

С декабря прошлого года, когда этой связью пользовались 14% бразильцев, компании GSM-связи завоевали 34% сотового рынка Бразилии и обошли конкурентов, работающих с прежде популярным американским форматом CDMA.

По числу пользователей Федеральный округ, в котором находится столица страны Бразилиа, является рекордсменом. Число абонентов мобильной связи - 2 миллиона 233.000 - превзошло количество населения. Этот показатель сопоставим с Гонконгом. Рост числа пользователей мобильной связью в столице объясняется тем, что в Бразилиа размещаются практически все федеральные службы и ведомства.

## *Чехия:* Мобильников больше, чем людей



**К концу** декабря прошлого года количество абонентов чешских операторов мобильной связи на пять процентов превысило количество жителей страны. В Чехии, если верить данным статистики, живут 10,2 миллионов человек, включая глубоких стариков и только-только родившихся младенцев. Тем не менее, пишет AFP, количество подключенных телефонных трубок в этой стране составило на конец прошлого года 10,7 миллионов, превысив количество жителей на полмиллиона единиц. Переход в новое качество состоялся в последнем квартале 2004 года, когда жители страны, поддавшись призывам операторов, приобрели сразу полмиллиона SIM-карт.

## *Китай:* Рынок сотовой связи вырос на 27%



**Как сообщило** агентство Рейтер, китайский рынок мобильной связи в 2004 году вырос на 27% к 2003 году благодаря активному привлечению менее состоятельных клиентов, однако в 2005 году темпы роста замедлятся.

Причиной тому станет значительное увеличение доли китайского населения, перешедшего на сотовую связь. Согласно правительственным данным, в конце ноября 2004 года в Китае было зарегистрировано 330 миллионов подписчиков на мобильную связь и 313 миллионов пользователей стационарными телефонами. Таким образом, около половины 1,3-миллиардного населения КНР оказалось «телефонизировано».

На конец 2004 года общее количество абонентов сотовой связи в Китае оценивалось в 334 миллиона человек.

Два ведущих китайских оператора - гонконгская China Mobile Ltd. и China Unicom Ltd. - в 2004 году переживали последовательное снижение такого важного показателя, как средний размер выручки на абонента (ARPU), что объясняется ожесточенной конкуренцией между компаниями и их стремлением найти новых клиентов среди менее богатых слоев населения - в маленьких городах и в сельской местности.

## *Россия:* Дешевой связи не будет



**Рост** абонентской базы мобильных операторов в этом году замедлится. Если последние два года число пользователей удваивалось, то в этом году рынок вырастет максимум на треть - с 75 до 100 млн. человек. Новые пользователи будут тратить на связь меньше, чем уже существующие, полагают эксперты. Кроме того, привлечение абонентов может стоить дороже, чем раньше, а жизнь операторов могут осложнить регулирующие органы и рыночные спекулянты.

По прогнозам Федерального агентства связи к концу 2005 года сотовой связью будут пользоваться 100 млн. россиян против 74,6 млн. годом ранее. Быстрый рост имеет простое объяснение - рынок рос практически с нулевой отметки, и любое его увеличение было заметным. «Недостаточный уровень развития инфраструктуры беспроводной телефонии в России и необходимость непрерывного вложения в нее крупных средств оказались для рынка мобильной связи благоприятными факторами, способствовавшими его росту и развитию», - считает кредитный аналитик международного рейтингового агентства Standard&Poor»s (S&P) Лоренцо Слюсарев.

*По материалам Интернет*

TAHRIRIYATIMIZ MEHMONI



***Халқимиз кулгисевар, ҳазил-мутойиба шайдоси. Шу боис бирор бир байрам, тўй-у тантанамиз таниқли сўз усталарисиз, аскиячилар-у қизиқчиларсиз ўтмайди. Айниқса, 1 апрел — кулги куни.***

***Хўш, шу куни биз қандай куламиз, ким кулдиради? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида пойтахтимизнинг муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида 1 ва 2 апрел кунлари ўзининг илк яккахон концерт дастурини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўраётган истеъдодли ёш қизиқчи, сўз устаси, Мирзо театри актёри Валижон ШАМШИЕВни таҳририятимизга таклиф этдик.***

***Суҳбатимиз асносида эса эл кўнглидан алоҳида жой олган бу санъаткорни нафақат қизиқчи, балки оддий ва самимий, камтарин, шу билан бирга, мулоҳазали ва теран фикрловчи инсон эканлигига амин бўлдик...***

# Валижон ШАМШИЕВ:

# «Фақат орзу қилиб яшайман...»

***— Валижон, келинг, суҳбатимизни болалигингизни эслаш билан бошласак.***

— Жуда яхши. Мен Андижон вилояти, Марҳамат туманининг Қорабоғиш қишлоғида туғилиб ўсганман. Болалигим бошқаларникига ўхшаб кетади. Кўпчилик айтган болаликка яқинроқ. Айниқса, газеталарда қишлоқдан чиққан шоирлар, санъаткорлар билан суҳбатлар берилганда, улар болаликлари тўғрисида деярли бир хил гапиришади. Лекин менда фарқ қиладиган томони шуки, болалигимда сал инжиқроқ бўлганман. Сабаби, Анваржон деган бир акам бўларди. Уни синфдошлари сувга итариб юборишган ва у чўкиб кетган... Шундан кейин инжиқроқ бўлиб қолганман. Кўчага чиққанимда акамни сўрашса, йиғлаб қотиб қолардим. Дўхтирлар дадамга кўп сиқилиш юрагимга салбий таъсир қилишини айтишган экан. Шу-шу хурсандчилик қилишга ҳаракат қилганман. Ота-онам ҳам кўнглимга қарашган. Дадам киноларга киришимга рухсат берарди, ҳатто 6-синфдалигимда Тошкентга лагерга жўнатган эди. Ўшанда пойтахтимизни кўриб, кўнглим равшан тортиб боргандим. Ушбу воқеалар сабабми ёки асли истеъдодим бўлганми, секин-аста санъат оламига кириб бордим. Саккизинчи синфдан водийда аскиячилар ичида юрганман. Водий бўйича аскиячилар ўртасида пайровлар бўларди. Вилоятлар, туманларда тузилган аскиячилар гуруҳлари ўзаро беллашардилар. Ўшанда, ўн олти ёшимда, Марҳамат туманининг "Зирапча" жамоаси бошлиғи эдим. Жамоамизда қирқ ёшгача бўлган аскиячилар ҳам бор эди.

Яна бир нарса ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалигимда қишлоғимиздаги Енгилтепа деган жойда молқўйларимизни боқардик. Ўша ерда булоқ бўларди. Мен ана шу булоқ сувига тикилиб ўтиришни роса яхши кўрардим. Булоқ худди меникидек эди. Унга яқинлашган бошқа болалар билан уришиб ҳам кетардим. Қизғанган бўлсам керакда. Яна бир нарса. Болалигимда сигиримнинг арқонини оёғимга боғлаб олардимда, китоб ўқирдим. "Қутадғу билиг", "Ҳайратул аброр", "Судхўрнинг ўлими" каби асарларни қайта-қайта ўқиб зерикмас эдим. Тенгқурларимга кам қўшилардим. Ҳамма "Эшак минди" ўйнаса, мен китоб ўқирдим. Чунки акам вафотидан сўнг ота-онам қўрқиб қолишган ва менинг ўртоқларимга кам қўшилишимни таъкидлашарди. Худога шукр, ҳозир қишлоқдошларим мендан дастхат олишяпти. Лекин бирортасининг кўнглига озор берганим йўқ. Тўғри, олдинига қасд олиш мақсадида спорт билан шуғулланганман, Хонгелдонга ўхшаб оёғимга тош осиб олиб машқ қилганман. Кейин китобга ошно тутинганим сари, нафақат қасд олиш, ҳатто бировнинг кўнглини оғритишнингда ўзига яраша савол-жавоби борлигини, қолаверса, шаҳид кетди, Аллоҳ ўзи суйган бандасини ўзи қайтиб олди, деган тушунчаларни англаганим сари бу аҳдимдан воз кечганман. Энди ўйласам, жуда тўғри қилган эканман.

***— Барибир армонингиз бор эканда?***

— Шу саволни беришингизни билардим. Агар эътибор берган бўлсангиз суҳбат давомида армон деган сўзни ишлатмадим. Кейинги пайтларда шу сўздан узоқроқ юришга ҳаракат қиляпман. Чунки армонсиз яшамоқчиман, орзу билан яшамоқчиман. Мен эриша олмаган ёки ҳаётимда рўй берган жамики яхши-ёмон воқеалар, нима бўлган бўлса барчасини — тақдиримдан деб биляпман. Негаки, ҳар бир сўз Арши аълода жаранглар экан. Балки, армон деб билганларим мен учун бахтдир, балки унинг бошқача мукофотлари бордир. Шу боис орзу билан, умид билан яшамоқчиман.

***— Ота-онангиз ҳақида ҳам билишни истардик.***

— Ота-онам бор, худога шукр. Иккаласи ҳам оддий инсонлар. Отамнинг исми Адҳамжон, онамнинг исми Умирчахон. Дадам ҳам сал аскиячироқ одам, аммо жиддий. Ҳазилни ҳам жиддий туриб айтади, кулдиради-ю, ўзи кулмайди.

Онамнинг умри меҳнатда ўтган. Мактабда фаррошлик қилган. Мен ҳам ўнинчи синфгача онамга ёрдам бериб, пол артганман. Дадам оддий чилангар бўлган. Онам фаррошлик қилиш билан бирга хўжаликдан қўшимча ер оларди. Биз ҳам далага чиқиб ишлардик. Ўша пайтларни эсласам, онамнинг кечгача пахта териб, шомда бошида бир этак ўт билан укамни етаклаганича уйга қайтганлари ҳамон кўз олдимда гавдаланади. Меҳнатнинг таги — роҳат, деганлари рост экан. Мана, энди роҳатимизни кўряпти. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин.

***— Оналар ҳақида гап кетди. Умуман, қизиқчи ҳаётида оналар қандай ўрин тутади?***

— Анча мушкул савол бердингиз. Аввало, оналарнинг дуосида куч катта. Ҳар бир инсоннинг онаси қувват бериб турса, ишлари олдинга силжийверади.



Тўғрисини айтсам, оналар ҳақида мендан олдин қанча-қанча буюк инсонлар завқ-шавқ билан ёзган, гўзал мисраларда таърифлаган, ҳадисларда ҳикматлар келтирилган. Саволингизга келсак, қизиқчи онасининг бағри жуда кенг бўлиши керак. Чунки, биз баъзан оналар тўғрисида, аёллар ҳақида, ҳар хил оталар, акалар, укалар ҳақида гапириб қоламиз. Танқид қилмаймиз-у бироз кулги остига оламиз. Буларни тўғри тушуниш учун, айтиб ўтганимдек, оналаримиз бағри кенг бўлиши керак. Шундагина бошқа инсонларнинг кўнглини олишимиз осон бўлади.

Гап келганда айтиб ўтмоқчиман, шахсан менинг онам қанақа қизиқчилигимни ҳам билмайди. Мана, ўн икки йилдан бери концерт бериб келаётган бўлсак, энди шу сафар биринчи қаторда ўтирса керак. Чунки, дастурларимизга жуда кам келади. Яқинда уйга бориб, она, концерт қўйяпман, десам, "Ҳа, омадингни берсин, барака топ" дея, узоқ дуо қилди. Бу йил энди дадам билан борасизлар-да, десам, "Ийи, уйга ким қараб туради, битта одам уйда бўлиши керак-да", дейди. Шунақа, онам барча оналар каби содда, муштипар она. Лекин роса лапарлар, аллалар айтади.

***— Оилада нечта фарзандсизлар?***

— Оилада саккизта бўлганмиз. Айтиб ўтганимдек, бир акам вафот этган. Икки опам бор. Мен икки опам бор эди, уларни обкетиб қолишган, деб ҳазиллашаман. Тез-тез келиб туришади, тугунларини тўлдириб, яна қайтиб кетишади. Беш ўғилмиз — Алижон, Валижон, Ғанижон, Солижон, Саиджон. Дадамиз шоирми, билмайман, исмларимизни қофиялаштириб ташлаган.

***— Мирзо театрига қандай келиб қолгансиз?***

— Мирзо театри 1994 йилда устозим Мирзабек Холмедов ташаббуси билан фаолият бошлаган. У пайтда мен Санъат институтининг учинчи босқичида ўқирдим. Тошкентда санъаткорлар орасида анча номим чиқиб қолганди. Чунки, турли тадбирларга кўп қатнашардим, тўйларга борардим, телевидениеда "Кичкина деманг бизни..." деб номланган кўрсатувни ҳам тайёрлаганман. Мирзабек ака жамоага истеъдодли йигитларни қидирганида, менинг номзодимни кўрсатишган экан. Шундан буён бирга ижод қиляпмиз. Жамоамизда, ўзингиз ҳам биласиз, ҳар тарафлама қобилиятли қизиқчилар жамланган. Аслида театримиз номи ҳам Мирзо — МАҲОРАТЛИ, ИСТЕЪДОДЛИ, РОСА ЗАВҚЛИ ОДАМЛАР деганидир.

***— Ҳозирги пайтда актёрлар реклама роликларида кўп иштирок этмоқда. Бунга сизнинг муносабатингиз?***

— Реклама роликларида иштирок этиш ёки этмаслик бу ҳар кимнинг ўз иши. Хоҳлабдими, марҳамат. Шахсан ўзимга келсак, олти йилдан буён рекламада иштирок этишни рад қилиб келяпман. Тўғри, санъатни, мисол учун концертларни реклама қиляпман. Аммо бошқа нарсалар, масалан, кийим-кечак ёки истеъмол маҳсулотлари тарғиботидан қочаман. Сабаби, ҳамма нарсада меъёр, чегара бўлиши керак. Бугун турли-туман рекламаларда қатнашиб, томошабинлар меъдасига тегсам, эртага улар мени бошқа жиддий ролларимни қабул қилолмаслиги мумкин. Албатта, бу менинг шахсий фикрим.

Ҳозирча меҳнат қилиб, ўз санъатим орқали халқимизни хурсанд қилиш ҳаракатидаман.

***— Ўзимизнинг ёки хорижнинг қайси санъаткорларидан ўрганасиз?***

— Аввало, устозим Мирзабек акадан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Бундан ташқари, болалигимдан Ҳожибой акага катта ҳавас кўзи билан қараганман. Ҳозир ҳам бу инсонга ҳурматим баланд. Шу ўринда Обид Асомовни алоҳида таъкидласам бўлади. Умуман, Юсуфжон Қизиқ, Муҳиддин Дарвешовларни ўқиб чиққанман. Хорижлик санъаткорлардан Чарли Чаплин ва унинг замондоши Мистер Кеттинлар ижодини кузатганман. Шунингдек, Мистер Биндан ўрганиш мумкин. Евгений Петросян билан шахсан суҳбатлашиб, фикрларини олганман. Албатта, ушбу ўрганганларим менга фақат муваффақият келтирган.

Қайси соҳада бўлмасин, инсон ўзгалардан ўрганса, фикрлашса, бундан фақат ўзи ютади. Тажрибаси ортади, комилликка эришади.

***— Репертуарингиздаги ҳамманинг кўнглидан жой олиб улгурган отахон образи қандай пайдо бўлган?***

— Қувадаги чойхонада худди шунақа отахонни кўрганман. Ҳеч кимга гап бермайдиган сўзамол, чапани ва бир оз қувгина чол экан. Чойхонада кўпчиликка сабзи тўғраб бераркан. Шу одам билан гаплашолмайсиз дейишди. Гаплашдим, лекин мени жуда мот қилдики, у ёқ-бу ёғи йўқ. Ҳар икки гапининг бирида қариндошларини эслайди, ўтганларни ёдга олади. Бир оз йиғлаб ҳам олади. Яқинда у кишининг оламдан ўтганини эшитдим. Аллоҳ раҳмат қилсин.

Ушбу образнинг дардли томонлари ҳам бор. Буни концертимда айтмоқчиман, ҳозирча сир бўла қолсин.

***— Дарвоқе, илк яккахон концерт дастурингизга ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳаяжон бўлмаяптими?***

— Аввало, яккахон концерт дастуримни ўтказиш орзуим эди. Шукр, ниятимга етиш арафасидаман. Ҳаяжон бўлади, албатта. Фақат буни қаттиқ тайёргарлик кўриш билан енгишга ҳаракат қиляпман. Устозларим, қолаверса мухлисларимнинг қўллаб-қувватлашлари катта далда беряпти.

Концертим бошқаларидан бироз фарқли ўтади. Яъни, концертда санъат билан спорт мужассамлашган. Каратэ, акробатика, куй-қўшиқ дегандай. Албатта, Мирза Холмедов, Шукрулло Исроилов ва бошқа санъаткорлар бўлади.

***— Кўп сонли мухлисларингизга, газетамиз муштарийларига тилакларингиз?***

— Аввало, барчанинг хонадонларида тинчлик-хотиржамлик бўлсин. Юзларидан кулги, табассум аримасин. Бизга фақат халқимизнинг тўйларида, хурсандчилик кунларида хизмат қилиб юриш насиб этсин. Осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин.

***— Суҳбатингиз учун ташаккур. Концертингизнинг муваффақиятли ўтишига тилакдошмиз.***

— Раҳмат!

***Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ***
***суҳбатлашди***

**МУАССИС:**
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:**
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
***Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.***
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
***Тижорий материал*** — Ⓣ.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
***Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.***
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

259-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 9948 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.